

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017. Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ
АНДИЖОН ФИЛИАЛИ**

ТУРСУНОВ ИБРОҲИМЖОН АБДУҲАЛИМОВИЧ

**ЎТЛОҚИ БЎЗ ТУПРОҚЛАРДА ЭКИНЛАРДАН ЭРТАКИ ВА ЮҚОРИ
ҲОСИЛ ЕТИШТИРИШ ҲАМДА ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.01 - Умумий деҳқончилик. Пахтачилик

**КИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2019

**Қишлоқ хўжалик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Content of the abstract of (PhD) doctoral dissertation of
agricultural sciences**

Турсунов Иброҳимжон Абдуҳалимович

Ўтлоқи бўз тупроқларда экинлардан эртаки ва юқори ҳосил етиштириш
ҳамда тупроқ унумдорлигини ошириш элементларини такомиллаштириш 3

Турсунов Иброҳимжон Абдуҳалимович

Совершенствование элементов выращивания ранних и высокоурожай-
ных посевов сельскохозяйственных культур и повышение плодородия на
лугово-сероземных почвах 21

Tursunov Ibrokhimjon Abdukhalimovich

Improvement of the cultivation technology of intermediate and high-yielding
agricultural crops and improving soil fertility on meadow-serozem soils 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИКОТ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ
АНДИЖОН ФИЛИАЛИ**


ТУРСУНОВ ИБРОҲИМЖОН АБДУҲАЛИМОВИЧ

**ЎТЛОҚИ БЎЗ ТУПРОҚЛАРДА ЭКИНЛАРДАН ЭРТАКИ ВА ЮКОРИ
ҲОСИЛ ЕТИШТИРИШ ҲАМДА ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.01 - Умумий дехкончилик. Пахтачилик

**КИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАҲЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (РҲД)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

к



Кишлоқ хўжалик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурндаги Олий аттестация комиссиясида
B2017.2. PhD/Qx 130 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Тошкент давлат аграр университети Андижон
филиалида бажарилган

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-
саҳифанинг www.cottonagro.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида www.ziynet.uz манзилига
жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Ўразматов Назиржон
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар: Телляев Рихсвий Шомаҳмадович
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
Қарабаев Икрамжан Тураевич
кишлоқ хўжалиги фанлари фалсафа доктори, катта илмий
ходим

Ётақчи ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация химояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-
тадқиқот институти ҳузурдаги илмий даражалар берувчи DSc 27.06.2017. Qx 42.01 рақамли Илмий
кенгашнинг 2019 йил «31» 01 соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 111202,
Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й, ЎзПТИИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99895)
142-22-35; факс: (99871) 150-62-37; e-mail: g.selek@agro.uz.

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-
тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (47 рақами билан рўйхатга
олинган). (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й, ЎзПТИИ кўчаси,
ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99895) 142-22-35; факс: (99871) 150-62-37; e-mail: g.selek@agro.uz.

Диссертация автореферати 2019 йил «18» 01 куни тарқатилди.
(2019 йил «18» 01 даги i рақамли реестр баённомаси).



Sh. Nurmatov
Ш.Нурматов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
к.х.ф.д., профессор

F.M. Nasirova
Ф.М.Насинова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, к.х.ф.н., катта илмий ходим

J. X. Admedov
Ж.Х.Аҳмедов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш вазирлиги
илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё бўйича оралик ва сидерат экинлардан рапс 33,7 млн. гектар, вика 550 минг гектар майдонда экилиб, рапсдан 64,1 млн. тонна, викадан 838,8 минг тонна уруғ ҳосили етиштирилмоқда ва қишлоқ хўжалиги соҳасида кенг қўлланилиб келинмоқда. БМТнинг озик-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)нинг 2016 йилдаги маълумотига кўра, рапс етиштириш Канадада 18,4 млн.т, Хитойда 15,3 млн.т, Ҳиндистонда 6,8 млн.т, Францияда 4,7 млн.т, Германияда 4,6 млн.т, вика етиштириш эса Эфиопияда 297,1 минг.т, Россияда 148,3 минг.т, Мексикада 119,8 минг.т, Испанияда 63,1 минг.т, Белоруссияда 43,2 минг.т.ни ташкил этади¹.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида оралик ва сидерат экинлар орқали тупроқ унумдорлигини сақлаш, аҳолини озик-овқат ва чорвани кўк озуқа билан таъминлаш, экинлардан юқори ва сифатли ҳосил олиш агротехнологиялари бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилган ҳамда илмий асосланган. Оралик экинларнинг экилиши натижасида тупроқда биологик жараёнларнинг жадаллашишига, тупроқнинг агрофизик ва агрохимёвий хусусиятлари яхшиланишига эришилган. Таъкидлаш жоизки, оралик экинлардан кейин асосий экинлардан мўл ва сифатли ҳосил етиштириш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришни бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси”нинг 3.3.-бандида «...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озик-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ...янги ғўза навларининг замонавий агротехнологияларини жорий этиш»² га алоҳида эътибор қаратилиши зарурлиги таъкидлаб ўтилган. Республикамизда вика ҳамда рапс экинларини бугдоддан бўшаган майдонларга алоҳида ва аралаш (компонент) экиб, чорвачиликни кўк озуқа билан таъминлаш, тупроқ унумдорлигини ошириш орқали ғўзанинг янги ва истикболли навларини парваришлашда ресурстежамкор агротехнологияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга кенг жорий этиш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 июндаги «2017 йилда бошқоқ дон экинларидан бўшайдиган майдонларга такрорий экинларни жойлаштириш, экин учун талаб этиладиган моддий техника ресурсларини ўз муддатида етказиб бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3027-сонли, 2017 йил 15 сентябрдаги «2018 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалик экинларни оқилона жойлаштириш чора-тадбирлари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмлари тўғрисида»ги ПҚ-3281-сонли қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган

¹ <http://www.fao.org>, <https://mel.cgiar.org>, <https://www.sciencedirect.com>, <http://agro.uzrecommendations>

² «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришни бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси» давлат дастури ПФ-4947, Тошкент, 2017 йил 7 февраль

вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кузги бугдойдан кейин тақрорий ва оралик экинларни экиш, уларнинг тупроқ унумдорлигига, кейинги йил экилган ғўзанинг ўсиб-ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири ҳамда иктисодий самарадорлиги бўйича Р.Орипов, Х.Атабаева, Р.Телляев, Н.Ўразматов, Б.Халиков, Н.Халилов, М.Тожиёв, Ф.Хасанова, И.Карабаев, Ф.Намозовлар шунингдек, хорижий олимлардан Klaus Sieling, Olaf Christen, Qiong Hu, Wei Hua лар томонидан тадқиқотлар олиб борилган. Лекин, Андижон вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида тупроқ унумдорлигини ошириш, қисқа навбатлаб экиш тизимида мўл ва сифатли пахта ҳосили етиштириш, янги ғўза навларини мақбул экиш усуллари, кўчат қалинликларини аниқлаш, янги турдаги оралик экинлар (вика, рапс)дан самарали фойдаланиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Тошкент давлат аграр университети Андижон филиалининг “Истикболли ғўза навларининг ўтлоқи тупроқ шароитида навбатлаб экиш далаларида озика режимини ўрганиш” (2015–2017 йй.), мавзусидаги илмий тадқиқот ишлари режаси ҳамда ҚХА-7-025-III “Андижон вилояти шароитида районлаштирилган “Султон” ҳамда истикболли “ЎзПТИ-201” ғўза навларини агротехникасини ишлаб чиқиш” (2015–2017 йй.) мавзусидаги илмий-амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Андижон вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида кузги бугдойдан кейин рапс ва вика оралик экинларини экиш ҳисобига тупроқ унумдорлигини ошириш орқали ғўзадан эртаки, юқори ва сифатли ҳосил етиштириш агротехнологиясини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кузги бугдой ҳамда оралик экинлар - рапс ва викадан қолган анғиз ва илдиз қолдиқлари, улар таркибидаги озика моддалар миқдорини аниқлаш;

ғўза навларини экиш усули, кўчат қалинлиги, озиклантириш меъёрларига боғлиқ ҳолда оралик экинларнинг тупроқнинг агрофизик, сув-физик ва агрохимёвий хоссаларига таъсирини аниқлаш;

тупроқ унумдорлигига боғлиқ ҳолда чигитларнинг униб чиқиши, ўсиб-ривожланишини ўрганиш;

оралик экинлардан рапс ва вика экишнинг ғўза ҳосилдорлиги ва толанинг сифат кўрсаткичларига таъсири ҳамда оралик экинлардан кейин ғўза парваришланишнинг самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўтлоқи бўз тупроқлар, ғўзанинг “ЎЗПИТИ-201” ва “Султон”, кузги бугдойнинг “Андижон-4”, рапснинг “Немерчанский”, виканинг “Мирзачўл-1” навлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети оралик экинларнинг тупроқдаги анғиз ва илдиз колдиклари, тупроқнинг агрофизикавий ва агрокимёвий хоссалари, ғўза навларининг ўсиб-ривожланиши, пахта ҳосилдорлиги, сифат кўрсаткичлари ва иктисодий самарадорлиги ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотни ўтказишда “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари”, тупроқ таркибидаги озика моддалар миқдорларини аниқлаш ва агрофизикавий таҳлилларда “Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах”, “Методы агрохимических анализов почв и растений Средней Азии”, “Методы агрофизических исследований” ҳамда олинган маълумотларнинг статистик таҳлили Microsoft Excel компьютер дастури ёрдамида Б.А.Доспеховнинг “Методика полевого опыта” қўлланмасида баён қилинган дисперсион таҳлил услуги асосида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

илк бор Андижон вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида навбатлаб экишнинг оралик даврида рапс ва виканинг ўсиб-ривожланиши, кўк масса ҳосили, тупроқда қолдирган анғиз ва илдиз миқдорлари аниқланган;

рапс ва вика экишнинг тупроқ агрофизик ва агрокимёвий хоссалари ўзгаришига таъсири аниқланган;

кузги бугдойдан кейин экилган рапс ва виканинг чигит униб чиқишига, ғўза навларининг ўсиб-ривожланишига таъсири аниқланган;

турли экиш тизимларида озиклантириш меъёрларига боғлиқ ҳолда ғўза навларининг ҳосилдорлиги ва толанинг технологик сифат кўрсаткичларига таъсири аниқланган;

оралик экинлардан кейин турли экиш усулларида парваришланган ғўза навларининг самарадорлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Навбатлаб экишнинг 1:1 тизимида тупроқ унумдорлигини саклаш ва ошириб бориш мақсадида, кузги бугдойдан бўшаган майдонларда оралик экинларнинг илдиз ва анғиз колдиклари қолдириши натижасида ҳайдов (0–30 см) қатламида гумус миқдори 0,012% ортиб, тупроқни ҳажм массаси 0,04–0,03 г/см³ га қамайган.

Андижон вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида оралик экинларни (рапс+вика) аралаш экиб, ўрнида “ЎЗПИТИ-201” ғўза навини 90х12-1 экиш тизимида, 80–90 минг туп/га кўчат қалинлигида, маъдан ўғитларнинг йиллик меъёри N:180, P:126, K:90 кг/га қўлланилган вариантда қўшқатор экишга нисбатан бир кўсақдаги пахта вазни 0,1–0,2 граммга ортиб, кўшимча 4,3–4,5 центнер пахта ҳосили олишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг дала ва лаборатория усулларида фойдаланган ҳолда математик-статистик ишловдан ўтказилганлиги ҳамда олинган назарий натижаларнинг амалий маълумотларда тасдиқланганлиги, тажриба натижаларининг маҳаллий ва чет эл

илмий тадқиқотлари билан таққосланганлиги, олинган маълумотлар мутахассислар томонидан ижобий баҳолангани ва тадқиқот натижалари, янги ғўза навларини етиштириш агротехнологиялари ишлаб чиқариш шароитида кенг жорий этилганлиги, республика ва халқаро илмий-амалий конференцияларда маърузалар қилинганлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий наشرларда чоп этилганлиги натижаларнинг ишончлилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, навбатлаб экиннинг 1:1 тизимида, кузги бугдойдан бўшаган майдонларга оралиқ экинлар (рапс+вика) аралаш экилганда 224,3 ц/га кўк масса ҳосили олиниб, тупроқда 58,6 ц/га анғиз ва ялдииз қолдиқлари қолган. Бунинг натижасида тупроқда озика элементларининг ортиши ва агрофизик хоссаларининг яхшиланиши кузатишган. Жумладан, ҳайдов (0–30 см) қатламида гумус миқдори оралиқ экинлар аралаш экилганда 0,828 фоизни ташкил этиб, алоҳида экилганга нисбатан 0,004–0,006% юқори бўлганлиги, тупроқ ҳажм массаси оралиқ экинлар экилмаган назоратга нисбатан 0,04 г/см³ камайганлиги ҳамда оралиқ экинлар ўрнида ғўзанинг “ЎзПИТИ-201” навини 90х12-1 экиш тизимида экиб, маъдан ўғитлар меъёрини N:180, P:126, K:90 кг/га қўлланилган вариантда пахта ҳосили 42,9 центнерни ташкил этиб, рентабеллик даражаси назорат вариантига нисбатан 10,3% юқори бўлганлигининг илмий асосланганлиги, ушбу назарий маълумотлардан эса кишлоқ хўжалик йўналишидаги олий таълим муассасаларида илмий манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ўтлоки бўз тупроқлар шароитида оралиқ экинлар (рапс+вика) аралаш (икки компонентли) экилганда тупроқ унумдорлиги ортади, тупроқнинг агрофизик ва агрохимёвий хоссалари яхшиланади, чорва хайвонлари кўк масса билан таъминланади, унумдорлиги оширилган тупроқларда ғўзанинг истикболли “ЎзПИТИ-201” навидан мўл ва сифатли ҳосил олиниб, юқори самарадорликка эришилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўтлоки бўз тупроқлар шароитида экинлардан эртаки ва юқори ҳосил етиштириш ҳамда тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

фермер хўжаликлари учун “Ўтлоки бўз тупроқларда экинлардан эртаки ва юқори ҳосил етиштириш, тупроқ унумдорлигини ошириш ҳамда ғўзадан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш агротехнологияси” тавсияномаси ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 25 июлдаги 02/021-217-сонли маълумотномаси). Ушбу тавсиянома Андижон вилояти шароитида кўп тармоқли фермер хўжаликларида экинлардан эртаки ва юқори ҳосил етиштириш ҳамда тупроқ унумдорлигини оширишда қўлланма сифатида хизмат қилган;

пахта, ғалла етиштиришнинг оралиқ даврида рапс ва вика экинларини экиш, келгуси йилда ушбу экинлар ўрнида ғўза парваришлашнинг янги агротехнологияси Андижон вилояти Олтинкўл туманида жами 130,9 гектар

майдонда жорий этилган (Кишлок хўжалиги вазириликнинг 2018 йил 25 июлдаги 02/021-217-сонли маълумотномаси). Натижада, оралик экинларнинг (вика, рапс) ангиз ва илдиз колдиклари ҳисобига ўтлоқи бўз тупроқларнинг агрофизик ва агрокимёвий хоссалари яхшиланган, тупроқда гумус микдори 0,012 фозгача ошган ҳамда келгуси йилда ғўзанинг “ЎзПТИ-201” навини пуштага 90х12-1 экиш тизимда экиб, 80–90 минг туп/га кўчат калинлигида, маъданли ўғитларнинг йиллик меъёри гектарига N:180, P:126, K:90 кг қўлланилганда 4,3–4,5 ц/га қўшимча пахта ҳосили олишга эришилган;

кузги бугдойдан кейин оралик экинлар (рапс, вика) аралаш экилиб, органик масса билан бойитилган тупроқларда ғўзани парваришлаш агротехнологияси Андижон вилояти Шахрихон туманида жами 106,2 гектар майдонда жорий этилган (Кишлок хўжалиги вазириликнинг 2018 йил 25 июлдаги 02/021-217-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида фермер хўжаликларида юкори ва сифатли пахта ҳосили етиштирилган ва рентабеллик даражаси 17,8 фоздан 23,4 фозгача ошганлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала тажрибалари хар йили ЎзҚХИИЧМ ҳамда ТошДАУ Андижон филиали томонидан тузилган махсус апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланиб, йиллик ҳисоботлар ТошДАУ Андижон филиалининг илмий ва услубий кенгашларида муҳокама қилинган. Диссертация ишининг асосий илмий натижалари республика ва халқаро илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий мақола ва 1 та тавсия чоп этилган, шулардан 4 таси Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси эътироф этган илмий нашрларда, жумладан, 3 таси маҳаллий ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 120 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган. Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияда ижобий баҳолангани, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Ғўзадан юкори ҳосил етиштириш агротадбирлари бўйича адабиётлар шарҳи**” деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича ўтказилган илмий тадқиқотлар юзасидан адабий маълумотлар келтирилган бўлиб, тупроқ унумдорлигида асосий, такрорий ва оралик экинларнинг ўрни,

турли экиш усуллари ва тизимларининг ғўза ҳосилдорлигига таъсири, ғўза навларини озиклантириш меъёрлари, сугориш тартиблари ҳамда қўчат калинликлари бўйича кўплаб тадқиқотчиларнинг олиб борган ишлари, маҳаллий ва хорижий олимларнинг маълумотлари баён қилинган. Адабиётлар шарҳининг хулоса қисмида Андижон вилоятининг табиий иқлими ва ўтлоқи бўз тупроқлар шароитини кўзда тутиб, экилаётган экинлардан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш учун қўлланилаётган агротехнологияларни такомиллаштириш, яъни оралик экинларни бир ва икки компонентли экиш усулларида фойдаланиб тупроқ унумдорлигини, агрофизик ва агрохимёвий ҳолатларини яхшилаш, экиш тизимлари, ўғитлаш, сугориш муддатлари ва меъёрлари энг мақбулларини илмий асослаб ишлаб чиқаришга тавсия қилиш ва янги яратилган ғўза навларининг агротехнологияларини такомиллаштириш бўйича илмий изланишларни олиб бориш зарурлиги баён қилинган.

Диссертациянинг “Тадқиқот ўтказиш шароити ва услублари” деб номланган иккинчи бобида тажриба ўтказилган минтақанинг географик ўрни, тадқиқотлар ўтказилган ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитлари ва тадқиқот ўтказиш услублари, тажрибада экилган навлар тавсифи, шунингдек, тадқиқотда қўлланилган агротехник тадбирлар келтирилган. Андижон вилоятининг умумий майдони 4240 минг км² бўлиб, биологик фаол минтақада жойлашган, иқлими кескин континенталлиги, чор атрофи тоғ тизимлари билан ўралганлиги кўрсатиб ўтилган. Вилоятда шамоллар тез-тез эсиб гоҳо нам ҳаво келтирса, гоҳо курук ҳаво келтириши, июль ойидаги ҳавонинг энг юқори ҳарорати 42⁰С гача, январь ойидаги энг паст ҳарорат -26⁰С гача бўлиши кайд қилинган. Ғўза ўсимлиги учун фойдали ҳарорат йнгиндиси 1 апрелдан 20 октябргача 2286⁰С га етиши кўрсатиб ўтилган.

Атмосфера ёгинлари асосан баҳор ва киш ойларида кузатилиши, июль-август ойлари деярли ёгингарчилик бўлмаслиги, унинг миқдори водийнинг гарбида 80–100 мм, шаркида 150–200 мм, шимолида 200–300 мм, тоғ олди туманларида 400–500 мм. гача етиши, йиллик ўртача ёгин миқдори 247 мм, экинларнинг амал даври 160–180 кун бўлиши кайд қилинган. Ўтлоқи бўз тупроқлар минтақасида ҳавонинг ғўза амал давридаги ўртача ҳарорати 21,9⁰С ни ташкил этиб, апрель ойидаги ўртача ҳаво ҳарорати 16,2⁰С, июлда 27,6⁰С, октябрда эса 13,5⁰С га тенг бўлиши кўрсатилган. Совуқ бўлмайдиган кунлар миқдори 180 кун, баҳорнинг сўнги совуғи 16 мартга, кузнинг биринчи совуғи 30 октябрга тўғри келиши, ғўза амал даврини тўхтатадиган совуқ ноябрь ойдан бошланиши тавсифланган.

Дала тажрибалари Андижон вилояти, Олтинкўл туманидаги “Янги зафар мақсад” фермер хўжалигида олиб борилганлиги, хўжаликнинг рельефи вилоятнинг марказий қисмига хос паст текисликдан иборатлиги, тажриба даласи ўтлоқи-бўз механик таркибли, қадимдан сугориладиган, шўрланмаганлиги кўрсатиб ўтилган. Тупроқ ҳайдов катламидаги чириқчи миқдори 1,1–1,3 фоиз, ҳажм массаси 1,30–1,54 г/см³ ни, сизот сувлари ер юзасидан 1,5–2,0 м чуқурликда жойлашганлиги кайд қилинган.

Оралик экинларнинг тупроқ унумдорлиги ва ғўза ҳосилдорлигига таъсири

бўйича тажриба 4 та вариантдан иборат бўлиб, 4 та кайтарикда тажрибалар олиб борилган. Бир вариантнинг умумий майдони 1440 м², шундан ҳисобга олинadиган майдон 720 м² ни ташкил этган. Чигит экиш усуллари, кўчат қалинликлари ва маъдан ўғитлар меъёрини гўзанинг “ЎзПИТИ-201” ва “Султон” навларининг ўсиб-ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири бўйича тажриба 18 та вариантдан иборат бўлиб, 4 та кайтарикда тажрибалар олиб борилган. Битта вариантнинг умумий майдони 360 м², шундан ҳисобга олинadиган майдон 180 м² ни ташкил этган.

Тадқиқот ўтказиш давомида тупроқдаги чиринди И.В.Тюрин усулида; умумий NPK - И.М.Мальцева ва П.П.Гриценко бўйича; нитрат шаклидаги азот - Грандвальд-Ляжу усулида; ҳаракатчан фосфор - Б.П.Мачигин; алмашинувчи калий П.В.Пратасов усулида алангали фотоколорометрда таҳлил қилинган. Фенологик кузатувлар ва тупроқ ҳамда ўсимлик намуналарини олиш “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” ЎзПИТИнинг услубий қўлланмаси асосида амалга оширилган. Тажрибанинг кайтариклар ва вариантлар бўйича ҳосилдорликлари Б.А.Доспеховнинг “Методика полевого опыта” қўлланмасида баён қилинган дисперсион таҳлил услуби асосида амалга оширилган.

Диссертациянинг “Тупроқ унумдорлигини саклаш ҳамда оралик экинлардан эртаки ва юқори ҳосил етиштириш бўйича тадқиқот натижалари” деб номланган учинчи бобида кузги бугдойдан кейин оралик экинларнинг униб чиқиши ва кўчат қалинлиги, ўсиб-ривожланиши ва ҳосилдорлиги, асосий ва оралик экинларнинг тупроқда қолдирган анғиз ва илдиз қолдиқлари ва улар таркибидаги озика моддалар микдори бўйича олинган маълумотлар келтирилган. Оралик экинларни амал даври охирида кўчат қалинлиги бўйича ҳар бир вариант ва кайтарикларда таҳлил қилинганда вариантларга мутаносиб равишда 1,987; 1,764; 3,876 млн/га. ни ташкил қилиб, амал даври бошидаги кўчат қалинлигига нисбатан тегишли равишда 44000; 340000; 141000 туп/га кўчат қамайганлиги аниқланган.

Ўсимликларнинг ўсиб-ривожланиши рапс ва вика алоҳида экилганда вариантларга мутаносиб равишда 136,2; 153,5 см.ни ташкил этиб, аралаш экилган вариантимида эса рапснинг бўйи 132,4 см, виканинг бўйи 184,7 см. ни ташкил этди. Рапс ва вика кўшиб экилган вариантда виканинг ўсиб ривожланиши юқори бўлиб, бунга асосий сабаб виканинг рапсга чирмашиб ўсганлиги билан изоҳланган.

Кузги бугдойдан бўшаган майдонларда июль ойининг 1-ярмида вика 50 кг/га, рапс 10 кг/га меъёрларида алоҳида ёки ҳар иккала экин вика 50 кг/га + рапс 10 кг/га аралаш (икки компонентли) қилиб гектарига жами 60 кг уруғ экилиб, экинлар алоҳида экилганда ўғитлар меъёри N:60, P:40, K:30 кг/га, аралаш экилганда эса N:100, P:70, K:50 кг/га меъёри қўлланилганда кўк масса ҳосили рапс, вика алоҳида экилган вариантларда шунга мутаносиб равишда 119,1; 112,4 ц/га.ни ташкил этган бўлса, вика билан рапс аралаш (икки компонентли) экилганда эса 224,3 ц/га ҳосил олинган.

Республикаимизда кузги бугдой катта майдонларга экилиб, июнь ойининг дастлабки ўн кунлигида пишиб етилади ва 10 июлгача тўлиқ йиғиштириб

олинади. Ҳар бир экиннинг вегетацияси ўртача об-ҳаво иқлим шароитига қараб октябрь ойининг охиригача давом этиши эътиборга олинса, бу экин ўрнига озубабоп экинларни (вика, рапс) оралик экин сифатида экиб тўлиқ ҳосил етиштириш мумкин бўлади ва чорвачиликнинг мустаҳкам озика базасини яратади ҳамда тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириб боришда ўрни бекиёс ҳисобланади. Асосий ва оралик экинларнинг тупроқда қолдирган анғиз ва илдиш қолдиқлари ва улар таркибидаги озика моддалар миқдори ўрганилганда рапс экилган вариантда жами 35,6 ц/га, вика экилган вариантда эса жами 31,8 ц/га анғиз ва илдиш қолдиқлари тўпланган бўлса, ушбу кўрсаткич рапс билан вика аралаш экилган вариантда 58,6 ц/га. ни ташкил этиб, оралик экинларни бир компонентли қилиб экишдан кўра икки компонентли қилиб экиш, тупроқда органик массани кўп тўплашда самарали эканлиги исботланган.




1-расм. Оралик экинларнинг анғиз ва илдиш қолдиқлари, ц/га

(2016 йил ноябрь)

Тадқиқотларда, тупроқда қанча кўп органик қолдиқ қолдирилса, шунча кўп гумус ва озика моддалари тўпланиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.

Диссертациянинг “Ўздан юқори ҳосил етиштириш ҳамда тупроқ унумдорлигини ошириш элементларини такомиллаштириш бўйича тадқиқот натижалари” деб номланган тўртинчи бобида кузги буғдойдан кейин етиштирилган вика ва рапснинг тупроқ агрохимёвий ва агрофизик хусусиятларига таъсири, тупроқнинг ҳажм массаси ва ғовақлигини ўзгариши, оралик экинларнинг тупроқнинг сув ўтказувчанлигига таъсири, тупроқнинг чекланган дала нам сифими (ЧДНС), ғўза навларини суғориш муддатлари, сони, мавсумий суғориш меъёрлари, чигитларнинг униб чиқишига тупроқ унумдорлигини таъсири, ғўзанинг ўсиб-ривожланиши, ғўза навларининг кўчат каллибликлари, экиш усулининг бир дона қўсақдаги пахта вазни ҳамда сифат кўрсаткичларига таъсири, турли экиш тизимлари ва ўғит меъёрларининг ғўза ҳосилдорлигига таъсири бўйича олинган маълумотлар келтирилган.

Тажрибада кузги бугдойнинг жами қолдирган анғиз ва илдиз қолдиклари вариантларга мутаносиб равишда 35,4; 35,2; 39,9; 37,2 ц/га. ни ташкил қилиб, улар таркибидаги жами азот вариантларга мос равишда – 1,334; 1,418; 1,230; 1,364 фоизни ташкил этган бўлса, кузги бугдойдан сўнг оралик экинлар (рапс, вика) алоҳида экилган вариантлардаги анғиз ва илдиз қолдиклари 35,6; 31,8 ц/га, рапс ва вика қўшиб аралаш экилган вариантда эса 58,6 ц/га. ни ташкил қилиб, улар таркибидаги азот вариантларга мутаносиб равишда 1,357; 1,184; 1,602 фоизни ташкил этганлиги қайд қилинган.



2-расм. Оралик экинларнинг анғиз ва илдиз қолдиклари таркибидаги озика моддаларнинг умумий миқдорлари, % (2016 йил ноябрь)

Оралик экинларнинг кузда кўк массасини йиғиштириб олиб анғиз, илдиз қолдиклари шудгорланиши ва қиш ойларида органик массанинг чириши натижасида тажриба даласи тупроқларининг агрофизикавий ҳамда агрохимёвий хоссалари яхшиланган, шунингдек, тупроқда органик массани кўлайтириш учун аралаш экинлардан фойдаланиш яхши самара бериб, тупроқда озика моддаларнинг ортишига олиб келган. Эрта баҳорда чигит экиш олдида хайдов ва хайдов ости қатламлардаги гумус, умумий азот ва фосфор миқдорларига таъсири, вариантлар бўйича аниқланган. Оралик экинларни экишдан олдинги дастлабки тупроқ намуналаридаги гумус миқдори тупроқнинг 0–30 см қатламда ўртача 0,815 фоизни ташкил этган, хайдов ости (30–50 см) қатламда эса 0,680 фоизни ташкил этиб, кузги бугдойдан сўнг оралик экинлар экилган вариантларда амал даври охирига келиб, кузги бугдой анғиз ва илдиз қолдиклари назоратдаги 1-вариантда 0,816%, рапс экилган 2-вариантда 0,824%, вика экилган 3-вариантда 0,822%, рапс билан вика аралаш экилган 4-вариантда эса бу кўрсаткич 0,828 фоизни ташкил этганлиги кўрсатиб ўтилган.

Тупрокнинг ҳайдов (0–30 см) қатламида кузги бугдойдан сўнг оралик экинлар (вика, рапс) аралаш экилган 4-вариантда гумус миқдори бошқа вариантларга, айниқса, тупрокнинг дастлабки таҳлилларига нисбатан 0,003 фоизга ошиб - 0,828 фоизни ташкил этганлиги аниқланган. Шунингдек қолган 2 ва 3-вариантларда ҳам бир оз бўлсада назоратдаги 1-вариантга нисбатан ошиб 0,824; 0,822 фоизни ташкил этган ва яхши сақланганлиги кузатишган. Тупрокнинг ҳайдов ости қатламидаги дастлабки гумус миқдорига (0,680) нисбатан солиштирадиган бўлсак, вариантларга муносабат равишида 0,008; 0,010; 0,012; 0,014 фоизга гумус миқдори ортганлиги изоҳлаб ўтилган.

Ўтказилган дала тажрибаларида ялли азот, фосфор ва калий миқдорларининг ўзгаришлари таҳлил қилинганда дала тажриба майдонларидаги вариантларда олинган гумус миқдори каби, назоратдаги 1–6 вариант, рапсдан кейинги 7–10 вариант, викадан кейинги 11–14 вариантларда тупрок таркибидаги ялли азот, фосфор ва калий миқдорлари бўйича бир-бирига яқин маълумотлар олиниб, назорат вариантларига нисбатан сезиларли юқори бўлганлиги аниқланган. Шунинг билан бирга, кузги бугдойдан кейинги оралик экинлар (рапс, вика) аралаш (икки компонентли) экилгандан кейин, шудгорланиб ўзанинг “ЎЗПИТИ-201” нави экилиб, агротехник тадбирлар қўлланилган 15–18 вариантлар дала тупроғининг ҳайдов (0–30 см) қатламидаги ялли азот 0,089–0,096%, фосфор 0,107–0,113% ва ҳайдов ости (30–50 см) қатламида эса мос равишда 0,067–0,071; 0,086–0,093 фоизни ташкил этиб бошқа вариантларга нисбатан юқори бўлганлиги кўрсатилган.

2017 йил баҳорда оралик экинларнинг тупрок унумдорлигига таъсири бўйича олинган маълумотларда кузги бугдойдан сўнг ҳеч қандай экин экилмаган назорат вариантда ҳаракатчан азот, фосфор ва калий озикаларининг миқдори тупрокнинг ҳайдов ва ҳайдов ости қатламларида бошқа вариантларга нисбатан кам бўлганлиги кузатишган. Қайсики кузги бугдойдан кейин оралик экин экилмаган 1–6 вариантларда тупрокнинг ҳайдов (0–30 см) қатламида ҳаракатчан нитратлар 17,6–18,2 мг/кг, ҳайдов ости қатламида эса 13,1–13,7 мг/кг. ни ташкил этган бўлса, ҳаракатчан фосфорлар ҳар иккала қатламларда 35,2–35,7 мг/кг, 20,0–20,6 мг/кг, калий эса 229–233 мг/кг, 158–163 мг/кг. ни ташкил этганлиги кўрсатиб ўтилган.

Тажрибанинг кузги бугдойдан кейин оралик экинлар (рапс, вика) алоҳида экилган 7–14 вариантларда тупрокнинг ҳайдов қатламидаги ҳаракатчан нитрат, фосфор, калий миқдорлари назорат вариантга нисбатан бироз ортган, бироқ энг юқори кўрсаткич вика билан рапс аралаш экилган 15–18 вариантларда кузатилиб, ҳайдов қатламида ҳаракатчан нитрат 20,2–20,6 мг/кг, ҳаракатчан фосфор 37,1–37,6 мг/кг, калий эса 250–254 мг/кг. ни ташкил қилган. Навбатлаб экишда оралик экинлардан рапс ва викани (икки компонентли) қўшиб экиш тупрокнинг ҳайдов қатлами унумдорлигини ошириш манбаи бўлиб, чорвачилик учун кўк масса ҳосили олишни таъминлаш билан бирга тупрок унумдорлигини муҳим кўрсаткичлари гумус, умумий ва ҳаракатчан озика унсурларини миқдорига ҳам ижобий таъсир кўрсатганлиги изоҳлаб ўтилган.

Тадкикотларда чигит экишдан олдин оралик экинларнинг тупроқ ҳажм массасига таъсири ўрганилган. Бунда оралик экин экилмасдан қолган назорат вариантда тупроқнинг ҳажм массаси ўртача $1,35 \text{ г/см}^3$ ни ташкил қилганлиги, рапс ва вика алоҳида экилгандан кейин ўртача $1,34 \text{ г/см}^3$ ни, вика ва рапс қўшиб экилганда эса $1,31 \text{ г/см}^3$ ни ташкил қилиб, тупроқ ҳажм массасининг ўзгариши вика ва рапс қўшиб экилганда қолган вариантларга нисбатан $0,04\text{--}0,03 \text{ г/см}^3$ га камайганлиги кузатирилган. Тажриба майдонида вика ва рапс қўшиб экилганда тупроқ таркибида қолдирилган анғиз ва илдиз қолдиқлари тупроқнинг ҳажм массаси ва ғоваклигининг ижобий ўзгаришига сабаб бўлганлиги кўрсатиб ўтилган.

Тажриба даласининг сув ўтказувчанлик хусусияти оралик экинларни экиш олдиан жами 6 соат мобайнида ўртача 701 м^3 соат бўлганлиги аниқланиб, ушбу кўрсаткич гўза амал даври бошида оралик экинлар экилмаган 1–6 вариантларда $742 \text{ м}^3/\text{га}$, оралик экин сифатида рапс экилган 7–10 вариантларда $765 \text{ м}^3/\text{га}$, вика экилган 11–14 вариантларда $796 \text{ м}^3/\text{га}$, оралик экинлар қўшиб экилган 15–18 вариантларда $819 \text{ м}^3/\text{га}$ ни ташкил этганлиги, гўза амал даври охирида эса “ЎзПИТИ-201” гўза навини $90 \times 12\text{-}1$ экиш тизимида маъдан ўғитларни йиллик меъёри $\text{N}\text{--}180$, $\text{P}_2\text{O}_5\text{--}126$, $\text{K}_2\text{O}\text{--}90 \text{ кг/га}$ қўлланилган 15-вариантда жами 6 соат давомида $765 \text{ м}^3/\text{га}$ ни ташкил қилиб, маъдан ўғитларнинг йиллик меъёри $\text{N}\text{--}220$, $\text{P}_2\text{O}_5\text{--}154$, $\text{K}\text{--}110 \text{ кг/га}$ ортиши билан $754 \text{ м}^3/\text{га}$ сув сарфланиб, назорат (1 ва 2) вариантга нисбатан 65 , $61 \text{ м}^3/\text{га}$ миқдорда кўп сув ўтганлиги кузатирилган. Шунингдек, гўза навларини $90(60 \times 30) \times 12\text{-}1$ экиш тизимида, кўчат қалинлиги $150\text{--}160$ минг туп/га белгиланган 17 ва 18 - вариантларда, ўғитларнинг йиллик меъёрига муносиб равишда 734 ва $730 \text{ м}^3/\text{га}$ сув сарфланганлиги аниқланиб, назорат (3 ва 4) вариантга нисбатан 72 , $95 \text{ м}^3/\text{га}$ юқори сув ўтганлиги аниқланган. Тажрибани ўтказиш давомида оралик экинлардан сўнг гўза парваришlashда экиш тизимлари ва маъдан ўғитларнинг йиллик меъёрларини ортиши билан тупроқнинг сув ўтказувчанлиги нисбатан барча фонларда бироз бўлсада таъсири борлиги кўрсатилган.

Тажриба даласи тупроғини чекланган дала нам сизими $0\text{--}70 \text{ см}$. да $21,7\%$; $0\text{--}100 \text{ см}$ қатламда эса $21,8$ фоизга тенглиги аниқланган. Тажрибадаги сугориш тартиби берилган тавсиялар асосида ЧДНСга нисбатан $70\text{--}70\text{--}60\%$ қилиб белгиланган. Гўза амал даврида мавсумий сугориш меъёри 2017 йил об-ҳаво иқлим шароитида $3513 \text{ м}^3/\text{га}$ ни ташкил қилганлиги изоҳланган.

Экиш тизимлари бўйича ҳар бир вариантда ниҳолларнинг униб чиқиши кузатиб борилган. Бунда оралик экинлар экилмаган 1–6 вариантлар, оралик экин сифатида рапс экилгандан кейинги 7–10 вариантлар, вика экилгандан кейинги 11–14 вариантларда униб чиқиш даражаси бир бирига яқин бўлганлиги, лекин оралик экинлар (рапс, вика) қўшиб экилган 15–18 вариантларда чигитни униб чиқиши учун мақбул шароит бўлганлиги сабабли $90 \times 12\text{-}1$ тизимда $86,4\text{--}86,2\%$ ва $90(60 \times 30) \times 12\text{-}1$ тизимида эса $82,8\text{--}82,6$ фоизни ташкил этиб, назорат вариантыга нисбатан яқка қаторда $1,8\text{--}1,8\%$, қўш қаторда $2,2\text{--}2,3$ фоизга юқори бўлганлиги кўрсатиб ўтилган.

Тажрибада чигит экиш усуллари бўйича олиб борилган илмий изланишлардан олинган натижаларга асосланган ҳолда тупрокнинг зичлиги 1,2–1,3 г/см³ бўлганда гўзанинг ўсиб-ривожланиши учун макбул шароит яратилганлиги таъкидланиб, тупрок зичлигини шу ҳолда сақлаш тавсия этилган. Чунки ушбу зичликда тупрокдаги ҳаво алмашилиши, биологик фаолиқ юзага келади ва озика унсурларининг сўрилиши осонлашади. Тажрибада оралик экинларнинг тупрокда қолдирган анғиз ва илдиз қолдиқлари ҳисобига тупрокнинг макбул ҳажм массаси яратилган ва фенологик кузатувлардан олинган маълумотларга кўра, гўза бош поясининг ўсиши бўйича энг юқори кўрсаткич (01.08) оралик экинлар (рапс, вика) аралаш экилган вариантларда кузатилиб, чигитни якка қатор 90x12-1 экиш тизимидаги вариантларда гўзанинг бўйи 1–14 варитларга нисбатан 2,5–3,0 см. гача юқори бўлган бўлса, чигитни кўш қатор 90(60x30)x12-1 экиш тизимидаги вариантларда бу кўрсаткичлар 2,0–2,5 см юқори бўлганлиги аниқланган. Кузатувларда 1 август куни назоратдаги 1-вариантда (якка қатор) 12,2 дона ҳосил шох ва 5,8 дона кўсак, 2-вариантда (кўшқатор) 11,9 дона ҳосил шох 5,6 дона кўсак борлиги аниқланган бўлса, оралик экинларни (вика, рапс) аралаш экиб, кейин гўза парваришланган 15–18 вариантларда бу кўрсаткич 13,0–14,7; 5,8–7,6 донани ташкил этган ва қолган барча вариантлардан юқори бўлганлиги кузатишган. Тадқиқотларда кузги бугдойдан кейин оралик экин сифатида рапс билан викани кўшиб аралаш экилган вариантларда гўзанинг ўсиб-ривожланиши ва ҳосил тўплаши энг юқори бўлганлиги кўрсатиб ўтилган.

